

ЎЗБЕК  
ТИЛИ  
ФОНЕТИКАСИ

“ЎЗБЕКИСТОН”

11-44

Т.А. НУРМАТОВ, Б. М. ХУСАНХЎЖАЕВ,  
Э. Х. ЖЎРАЕВ, Т. ОЧИЛОВ

# НЕМИС ТИЛИ ФОНЕТИКАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг талабалари  
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ — “ЎЗБЕКИСТОН” — 2002

БИБЛИОТЕКА
ТГПУ
336401

81.2 Нем-1

Н 44

Тақризчилар: *Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси М. Қошғарий номидаги Тиллар институти чет тиллар кафедрасининг илмий ходими, филология фанлари номзоди, доцент Н. С. РАҲИМОВА;*  
*Иқтисодиёт ва дипломатия университетининг катта ўқитувчиси Ш. А. ЖАМОЛОВА.*

Қўлланма Жаҳон тиллари университети ва Андижон Давлат тиллар педагогика институти услубий кенгашларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

ISBN 5-640-02772-8

Н  $\frac{4602020103-6}{M351(04)2002}$  2002

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2002 й.

## Сўз боши

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон миқёсида обрў-эътибори ортиб, унинг бошқа мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий алоқалари кундан-кунга кенгайиб бораётганлиги чет тилларни ўрганишга бўлган талабни ҳам тобора кучайтирмоқда. Иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотлар, хорижий давлатлар билан дипломатик, савдо-сотиқ, сайёҳлик ва маданий алоқаларнинг ривожланиши халқ хўжалигининг ҳар қандай соҳасида банд бўлган кишидан ҳеч бўлмаганда 1—2 чет тилни билишини тақозо этмоқда.

Мазкур қўлланма республика университетлари, педагогика институтлари чет тиллар факультетларининг I—II курс талабаларига мўлжалланган. Ундан чет тилига қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтилиши, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар, фирмалар, савдо ярмаркаларининг кенг миқёсда ташкил этилиши ва тижорат ишларининг йўлга қўйилиши, тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг хорижга тез-тез бориб туришлари ҳам чет тилларни билиш билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, чет тилни яхши билиш учун шу тилнинг лексик, грамматик ҳамда фонетик тизимларини пухта ўрганиб олиш лозим бўлади.

Мазкур “Немис тили фонетикаси” қўлланмаси ана шу мақсадда яратилган бўлиб, унда шу тилни ўрганувчиларга қулайлик яратиш ниятида немис ва ўзбек тиллари фонетикасидаги ўхшашликлар, ўзига хос фарқлар ва фонетик ҳодисалар қиёслаб баён қилинади. Қўлланмадан ўрин олган унли ва ундош товушлар, бўғин, интонация, ургу ва бошқа мавзуларга оид материаллар олий ўқув юртларининг амалдаги дастури талабаларига мувофиқ тарзда тур-

ли маъқулар ва матнлар орқали таҳлил қилиб ёритилган. Китобдаги маъзуларни пухта ўзлаштиришда таълимнинг техниквий воситаларидан фойдаланиш ҳам назарда тутилган.

Қўлланма қўлёзмасини ўқиб чиқиб унинг ўқув сифатини яхшилашга, ўзининг қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М. Кошғарий номидаги Тиллар институти чет тиллар кафедрасининг илмий ходими, филология фанлари номзоди, доцент Н. С. Раҳимовага, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети профессори, филология фанлари доктори Н. Авазбоевга, шу университет доценти, филология фанлари номзоди Д. Ф. Рашидоваларга муаллифлар чуқур миннатдорчилик билдирдилар.

*Муаллифлар*